

# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТ ТАРЗИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИНСОН ОМИЛИ

Ахунов Муҳаммадамин Абдуваситович

Андижон машинасозлик институти “Иқтисодиёт” кафедраси доценти

### Аннотация

Мақолада янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар сабабли ривожланаётган ҳаёт тарзининг таъсири сабабли инсон омили билан боғлиқ масалалар тўғрисида сўз боради. Шу билан бирга, инсон омили ва ҳаёт тарзи муаммолари бўйича мулоҳазалар ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** инсон омили, ҳаёт тарзи, соғлом ва носоғлом ҳаёт тарзи, таълим, турмуш даражаси, тараққиёт стратегияси, беш ташаббус.

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизда амалга оширилаётган катор ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани ва ташқи сиёсатда инқилобий ўзгаришларни амалга ошираётганини эътироф этиб “Янги Ўзбекистон” ҳақида сўз юритмоқдалар. Ўзбекистонда “жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора – тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда”[1].. Ўзбекистонда “инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва адолатли тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилмоқда.

Инсоннинг жамиятдаги иқтисодий фаолияти ижтимоий тараққиётнинг тараққиёти давомида мунозарали тарзда талқин қилиниб келинмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда кишиларнинг ҳаёт тарзи ва турмуш тарзи жамиятда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида кескин ўзгармоқда. Кейинги йилларда амалга оширилган ҳаракатлар стратегияси, беш ташаббуснинг ёшлар ҳаётига кириб бориши жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёт тарзида сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Жамиятлар тараққиёти кўрсатмоқдаки, инсон, инсон омилнинг ривожланишига унинг ҳаёт тарзи ҳамда турмуш тарзи ижобий ёки салбий таъсир қилиб боради.



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Ҳаёт тарзи кенг қамровли тушунча бўлиб, у инсоннинг дунёга келиши ва умргузаронлик қилиши билан боғлиқ фаолиятини англатади. Турмуш тарзи инсоннинг ўз ҳаётини тирикчилик билан боғлаб бориши тарзида маънога эга тушунчадир. Инсон ҳаёт тарзи ҳамда турмуш тарзи билан ўз кадр-қимматини яратади, жамиятга фойда келтирувчи ёки зарар келтирувчи шахсга айланади. Шу нуқтаи назардан ҳаёт тарзи ҳамда турмуш тарзи инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишига шарт-шароитлар яратади.

Ҳаёт тарзи (аҳволи)-ўзига хос тарихий ижтимоий-иқтисодий муносабатларга, одамнинг индивидуал ва жамоавий ҳаётининг шакли ва мазмунига хос бўлиб, унинг хулқ-атвори, мулоқати, менталитети каби хусусиятларини тавсифлайди. Ҳаёт тарзи – бу одамнинг дунёдаги мавжудлигининг шаклланиши бўлиб, у инсон фаолиятида, манфаатларида, қизиқишларида, эътиқодларида, никоҳли- эр-хотинлик ва никоҳсиз ҳаётида намоён бўлади. Ҳаёт тарзи бу кишилар ижтимоий фаолияти шаклланининг ижтимоий фаолият шароитлари билан чамбарчас боғлиқ ҳаёт фаолиятининг жаъмлланган –мужассамланган шаклисифатида намоён бўлади.

Турмуш тарзи бу инсоннинг яшаш, кун кечириш тарзи, кундалик ҳаёти бўлиб у ижтимоий характерга эга. Ижтимоий жиҳатдан турмуш тарзи оила, маҳалла, худуд, социал группа, халқларга хос урф-одатлар, диний амаллар, расм-русумлар, анъаналар, овқатланиш, тўй, спорт мусобақалари ва шу кабиларда акс этади. Турмуш-инсоннинг, миллат ва халқнинг яшаш, кун кечириш тарзи, кундалик ҳаёти. Кишиларга хос ҳаёт тарзи.

Турмуш тарзининг асосий параметрлари – бу меҳнат (ёш авлод учун таълим, тарбия), кундалик ҳаёт, одамларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний ва маданий фаолияти, шунингдек, ҳар хил хулқ-автор одатлари ва ташқи кўринишларидир. Инсоннинг турмуш тарзи унинг соғлигини, саломатлигинива ўртача умр кўриши даражасини аниқлашда асосий омил ҳисобланади.

Соғлом турмуш тарзи жамият, ижтимоий гуруҳлар, маҳалла, оила ва индивидларнинг реал ҳаётий фаолиятларини моддий ва эстетик ранг-баранглиги кўламини чуқур ифодалайдиган, инсонни фаровон ва обод турмуш сари элтувчи фалсафий тушунчадир. Соғлом турмуш тарзи барча даражадаги, яъни ички муҳит - жисмоний, руҳий, маънавий, шу билан бирга ташқи муҳит - борлиқ билан уйғунлашиш ҳолатидир.



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Соғлом турмуш тарзи негизида инсоннинг комиллик сари интилишларини кучайтириш, шу асосда обод жамиятнинг куч-қудрат манбаи ҳақида замонавий тафаккурни шакллантириш лозим.

Иқтисодиётда ягона занжирдаги турли соҳаларини ўзида мужассамлаштирган кластерлар соҳа, соҳалараро ички ва ташқи интеграциялашувни кучайтириб ҳамда инновацион муҳитда инновацион тафаккурни янги босқичга кўтариб турмуш тарзимизга жадал кириб келмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди ва халқимизнинг турмуш тарзини инқилобий ўзгаришларга олиб келмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш.
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш.
3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш.
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш [2].

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган йўналишларнинг барчаси юртимиздаги кенг жабаҳали ислохотларни ва тубдан янгиланишларни янада чуқурлаштиришга қаратилган ўзгаришларнинг аниқ бўлимларидан иборатдир. Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда амалга оширилмоқда ва кишилар турмуш тарзини ўзгартириб бормоқда.

Ўзбекистонда ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш, ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида Президентимиз Шавкат



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5та муҳим ташаббус жамиятимиз турмуш тарзини соғломлаштириш йўлида катта қадам бўлди.

**Биринчи ташаббус** ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

**Иккинчи ташаббус** ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

**Учинчи ташаббус** аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологияла ривай интернетд ансамаара лифойдаланиш ниташкил этишга қаратилган.

**Тўртинчи ташаббус** ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишлар ниташкил этишга йўналтирилган.

**Бешинчи ташаббус** хотин-қизларни иш билан таъминлаш ашмасалаларинин азардатугади.

Мазкур 5 ташаббус кенг жамоатчилик томонидан қўллаб қувватланди ва жамият ҳаётида инсон капиталини ривожлантиришга катта ҳисса қўша бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори асосида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга оширишни изчил давом эттириш орқали ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ва шу асосда аҳолининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтириш жамиятимизда турмуш тарзини ижобий томонларга ўзгаришларига олиб келмоқда[3].

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда чуқур ислоқотлар амалга оширилмоқда. Улардан қўзланган мақсад – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат[4].

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида “Аввало, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бахт-саодати давлат сиёсати, барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор мақсади бўлиши лозим. Жамият қурилиши ва давлат сиёсати ана шу ғояга таяниши ҳамда “Давлат-инсон учун” тамойили асосида ташкил этилиши даркор” - деб таъкидлаган [5-67].



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

2022-2026 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси еттига йўналиш ва юзта мақсад доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, биринчи йўналишида белгиланган 12 та мақсад, 42 та топшириқ инсон кадрини улуғлашга хизмат қилувчи халқчил давлат барпо этишда, аҳолига фаровон турмуш шароити яратишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. [6-67]. Шунинг учун ҳам юртимизда халқимиз ҳаёт тарзини ижобий хислатлар билан тўлдиришга кенг шароитлар яратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган инқилобий ислохотлар Янги Ўзбекистонимиз ривожланиши жараёнида инсон ва инсон омилининг тараққиётига ҳаёт тарзининг таъсири кучайиб бораётганидан далолат бермоқда. Халқимиз ҳаёт тарзини соғломлаштириш орқали инсон тараққиётини юксалтириш имкониятларини кенгайтиришга асос бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар тараққиётимизда халқимизнинг фаровон ҳаёт тарзида яшаш имкониятларини кенгайтirmoқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75- сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. № 202, 2020 йил 24 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. № 28, 2017 йил 8 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2021 йил 2 апрель, ПҚ-5048-сон “Халқ сўзи” газетаси. 2021 йил 3 апрель.
4. М.Ахунов. Инсон омили-ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг такачи кучи ва бошмақсади. “Илмий хабарнома” журнали, № 1, Андижон, 2016 йил.
5. Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 й. 67-бет.
6. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2022 йил, 28 январь.





## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

7. Каримова М. А., Нажимидинова Д. Ф. ФАРЗАНД ТУҒИЛИШИ ВА БОЛА ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАРДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЗЛАРИ //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 69-76.
8. Нажимидинова Д. Ф. ОИЛА ТИНЧЛИГИ ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 77-81.
9. Атаханов Р. С., Ахунов М. А. КАРАКАЛПАКЫ ФЕРГАНЫ: В ПРОШЛОМ И НАСТОЯЩЕМ (анализ полевых исследований) //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 82-90.
10. Ахунов М. А. ЗМ БОБУР АСАРЛАРИДА АДОЛАТЛИ ДАВЛАТ ҒОЯСИ ХУСУСИДА //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 12. – №. 1. – С. 91-95.
11. Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.
12. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. Обряды, связанные с посещением мазаров у женщин Ферганы: традиция и современность //Международный научно-исследовательский журнал. – 2015. – №. 6-4 (37). – С. 72-74.
13. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.
14. Abdugayumovna K. M. INTERACTION OF OBJECT, SUBJECT AND SYNERGETIC CATEGORIES IN SCIENTIFIC WORK //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 3. – С. 25-29.
15. Каримова М. Improving technical philosophy and changing human thinking //O ‘zbekiston milliy universiteti xabarlari, 2022,[1/5] issn 2181-7324.
16. Абдуллаев, Улугбек Сайданович, and Рафик Сотволдиевич Атаханов. "ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКО-КИРГИЗСКИХ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ (ПО МАТЕРИАЛАМ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)." Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов 2 (2014): 120-124.
17. Abdullayev U. S. TRAINING OF HIGHER EDUCATION PEADGOGICAL CADRES IN UZBEKISTAN DURING THE INDEPENDENCE YEARS: PROBLEMS AND SOLUTIONS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 7. – С. 125-129.
18. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> March, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

19. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар //XIX-XX аср бошлари). Тарих фанлари док. Дисс. – 2005. – Т. 2006. – С. 5.
20. Абдуллаев У. С. Изучение однонациональных и национально-смешанных семей в сельских местностях Андижанской обл //Новое в этнографии. – 1989. – №. 1. – С. 85.
21. Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE  
SERIES